

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

YU7154857441

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: «**STRICT TRADE-2024**» MCHJdan 99 725 300 (to‘qson to‘qqiz million yetti yuz yigirma besh ming uch yuz) so‘mlik tungi yoritish ishlarida foydalaniladigan masxulotlar sotish olish yuzasidan tuzilayotgan shartnomam loyixasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Andijon shahar obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 09.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Andijon shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.N.URMONOV

09.12.2022

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «STRICT TRADE-2024» МСНЖ номидан бошқарувчи **Б.Азимов** бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Андижон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси Тунги ёритиш тизимидан фойдаланиш участкаси раҳбари **У.Бахрамов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Харидор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги мазкур шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган маҳсулотларни етказиб бериш, «Харидор» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, пул ўтказиш йўли орқали ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олади.

2. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ққссиз **99725300 (Тўқсон тўққиз миллион етти юз йигирма беш минг уч юз) сўми** ташкил этади.

2.2. Ҳисоб-китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. «Харидор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30%,ни олдиндан аванс тариқасида «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70% ни «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг ҳисоб-варақ фактуралари асосида ўтказиб беради.

2.5. «Харидор» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўн «Етказиб берувчи» 3 кун давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нарҳларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

2.6. Маҳсулотларни етказиб бериш харажати «Етказиб берувчи» ҳисобидан қопланади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Харидор»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

«Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи» дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага асосан тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш;

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Харидор"дан талаб қилиш.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги-Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:

бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. Товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат кўрсатмаганлик учун жавобгарлик- Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берганлик учун жавобгарлик- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти қонун ҳужжатларида ёки шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, харидор товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.4. Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун жавобгарлик-Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда харидор:

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи харидорнинг талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, харидор бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.5. Товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун жавобгарлик-Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун харидор етказиб берувчига танлаб олинмаган (Ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса - 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.6. Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик- товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун харидор маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган суммасининг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун харидор етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

5. Низоларни ҳал этиш тартиби

5.1. Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

6. Форс — мажор

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. Бошқа шартлар

7.1. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.2. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Етказиб берувчи» да, иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади ва иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

8. Шартнома муддати

8.1. Шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлинидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

9.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

10. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари «Етказиб берувчи»

«Харидор»

« STRICT TRADE-2024» МЧЖ

Андижон шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси Тунги ёритиш тизимидан фойдаланиш участкаси

Манзил: Улуғнор тумани

Тел./факс :

х/р ; 20208000405584697001

Банк номи:Улуғнор Агробанк ОАТБ

Оқ олтин филиали.

МФО 00055 СТИР 310002893

Манзил: Андижан, Андижон шаҳар

Тел./факс :

ШХР 100022860034017064100110001

СТИР 200237711 ОКОНХ _____

Улуғнор тумани бўйича ғазначилик бўлинимаси

Ҳазна х/в 23402000300100001010: МФО 00014 :

СТИР 201122919

Банкнинг номи : Марказий Банкнинг Тошкент ш.


ХККМ

Бошқарувчи _____

Б.Азимов

Раҳбар _____

У.Бахрамов



2022 йил

09-декабрь кунги № 14-сонли шартномага 1-илова

№	Муассасалар номи	Махсулот (товар)номи	Тулов ойлари	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Сумма
1	АШХОБ "Тунги ёритиш тизимидан фойдаланиш участкаси"	Патрон E-27		дона	2250	8100	18225000
2		Светодиод лампа цветной мигалка		дона	2250	23970	53932500
3		Сим ПУГНП 2x1		метр	4610	5980	27567800
	:				жами		99725300

«Етказиб берувчи»

Бошқарувчи

Б.Азимов



«Харидор»

Рахбар

У.Бахрамов



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 193409 на приобретение АШХОБ Тунги ёритиш тизимидан фойдаланиш участкаси Марказий кўчаларга лента патрон ўрнатиш учун сотиб олинadиган электор товарлари

Способ проведения электронный

Дата 26.11.2022

Время рассмотрения 26.11.2022 20:48

Закупочная комиссия Андижон шаҳар Ободонлаштириш бошкармаси Тунги ёритиш тизимидан фойдаланиш участкаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	BAXRAMOV O‘TKIRBEK UKTAMJON O‘G‘LI	Булим бошлиги	Андижон шаҳар хокимлиги "Ободонлаштириш" бошкармаси "Тунги ёритиш тизимидадан фойдаланиш участка" си
Секретарь комиссии	ERGASHEV NURILLO SULTANOVICH	Омборчи	Андижон шаҳар хокимлиги "Ободонлаштириш" бошкармаси "Тунги ёритиш тизимидадан фойдаланиш участка" си
Член комиссии	MEXMANOV SHAXOBIDDIN INAMXODJAYEVICH	Етакчи мутахассис	Андижон шаҳар хокимлиги "Ободонлаштириш" бошкармаси "Тунги ёритиш тизимидадан фойдаланиш участка" си
Член комиссии	NURMATOV ZOXYDJON KOMILOVICH	Булим устаси	Андижон шаҳар хокимлиги "Ободонлаштириш" бошкармаси "Тунги ёритиш тизимидадан фойдаланиш участка" си
Член комиссии	MATVALIYEV BAXRAMJON ABDUMUXTOROVICH	Булим устаси	Андижон шаҳар хокимлиги "Ободонлаштириш" бошкармаси "Тунги ёритиш тизимидадан фойдаланиш участка" си
Член комиссии	MIRZAYEV ILYOSBEK MAXAMMADIMINOVICH	Электр жихозлари буйича мутахассис	Андижон шаҳар хокимлиги "Ободонлаштириш" бошкармаси "Тунги ёритиш тизимидадан фойдаланиш участка" си

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.11.2022 года № лота 193409.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Патрон для лампы электрический
Подробное описание	Патрон E-27
Количество товара	2 250.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за	8 150.00

единицу	
Стартовая сумма	18 337 500.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Лампа светодиодная
Подробное описание	Светодиод лампа цветной мигалка
Количество товара	2 250.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	24 000.00
Стартовая сумма	54 000 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Кабели силовые с медной жилой на напряжение более 1 кВ
Подробное описание	Сим ПУГНП 2х1
Количество товара	4 610.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	6 000.00
Стартовая сумма	27 660 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқ қарзи йўқ маълумотнома таклиф санасидан

Тип: Бинарное значение

Описание: Солиқ қарзи йўқ маълумотнома таклиф санасидан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
STRICT TRADE-2024 MCHJ	5	1	5	Экспертная		
ООО MUSTAXKAM BIRDAMLIK	5	1	5	Экспертная		

Критерий №2 рахбар паспорти, гувоҳнома ва иннлари тақдим этилади рангли кўринишда

Тип: Бинарное значение

Описание: рахбар паспорти, гувоҳнома ва иннлари тақдим этилади рангли кўринишда

Обязательность: Критично

ООО MUSTAXKAM BIRDAMLIK	99 997 500.00	99 792 800.00 UZS	99 792 800.00	00.00	99 792 800.00	25.11.2022 18:07:49	9.99324
STRICT TRADE-2024 MCHJ	99 997 500.00	99 725 300.00 UZS	99 725 300.00	00.00	99 725 300.00	25.11.2022 17:57:33	10

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО MUSTAXKAM BIRDAMLIK	90	9.99324	99.99324
STRICT TRADE-2024 MCHJ	90	10	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 193409 от 26.11.2022 года на приобретение АШХОБ Тунги ёритиш тизимидан фойдаланиш участкаси Марказий кўчаларга лента патрон ўрнатиш учун сотиб олинадиган электор товарлари определила победителем:

STRICT TRADE-2024 MCHJ
310002893

и резервный исполнитель: ООО MUSTAXKAM BIRDAMLIK (306523903)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	BAHRAMOV O'TKIRBEK UKTAMJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	MEXMANOV SHAXOBIDDIN INAMXODJAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NURMATOV ZOXYDJON KOMILOVICH	Согласен	
Член комиссии	MATVALIYEV BAXRAMJON ABDUMUXTOROVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZAYEV ILYOSBEK MAXAMMADIMINOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП